

ТРАКТОРЛАР ТЎХТОВСИЗ ИШЛАСИН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССРОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 290 (12.934)

2 ДЕКАБРЬ
1964 ЙИЛ
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ШУДГОРЛАШ ИЛГОРЛАРИГА БЕРИШ УЧУН КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети кузги шудгорлашда яхши нўрсаткичларга эришган областларга бериш учун инкита кўчма Қизил байроқ таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Кўчма Қизил байроқлар кузги шудгорлашда энг яхши нўрсаткичга эришган ва уни юқори сифатли қилиб ўтказган областлар ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳар ўн нунда бериб бериллади. Кўчма Қизил байроқлар биринчи марта ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида энг кўп ерни сифатли шудгор қилган областларга берилди. Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия ко-

митетларига кузги шудгорлашда яхши нўрсаткичларга эришган ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозлар ва совхозларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига кузги шудгорлашда алоҳида намуна нўрсатган механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларини мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ олган областларга 500 сўмдан, шунингден, шудгорлашда намуна нўрсатиб ишлаган механизаторларни, совхоз ишчиларини ва колхозчиларни мукофотлаш учун областлар ҳамда Қорақалпоғистон АССРга 5000 сўм ажратишга рухсат берилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Қорақалпоғистон республикасининг колхозчиларига,
совхоз ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги
мутахассисларига, барча меҳнаткашларига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ва совхозлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликларини зўр мамнуният билан қайд қилдилар. Республикадаги хўжаликлар тайёрлаш пунктларига 220 минг тонна пахта етказиб бердилар ва пландан ташқари 10 минг тонна пахта топириш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ва юксак маҳорати, шунингден пахта етиштиришдаги илгор усулларини кенг қўланиш натижасида бу муваффақиятлар қўлга киритилди.

Янги ташкил этилган шолікорлик совхозлари шолі тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар ва Ватан омборларига 1 миллион 250 минг пуд шолі тўқидилар. Республикада жун, қорақўл тери, тухум, пилла ва қовун-тарвуз тайёрлаш юзасидан берилган топириш ҳам ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССРнинг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизгин табриқлайдилар ва республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қўшимча пахта топириш юзасидан олинган мажбуриятини бажардилар, келгуси йил ҳосили ва чорва қишлоғи юзасидан зарур кузги-қишқи тадбирларини муваффақиятли амалга оширадилар, пахта, шолі, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қўлайтириш учун астойдил кураш олиб борадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ



СУРАТДА (ўнгда): совхоз директори А. Абдувалиев, тракторчи Қ. Енузов ва бош инженер Н. Ким ўртоқлар шудгорлашнинг сифатини теншириб кўрмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари юбилей йилида катта меҳнат ғалабасига эришганлигини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига зўр хурсандчилик билан маълум қилдилар. Республика колхоз ва совхозлари давлатга 220 минг тонна пахта топириб, пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Республика бундай кўп пахта ҳосилини илгари ҳеч қачон тайёрламаган эди. Республика пахтакорлари қўшимча равишда 10 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Бу ғалаба шу жиҳатдан ҳам ғойат қувончли ва қадрлики, у, юбилей куни — Қорақалпоғистон АССРнинг 40 йиллиги арафасида қўлга киритилди.

Хўжаали, Қўнғирот, Негайли ва Чимбой районларининг пахтакорлари бу ғалабага катта ҳисса қўшиб, давлатга пландан ташқари салкам 10 минг тонна пахта топиридилар. Неча ўнлаб хўжаликлар ва неча юзлаб бригадалар агротехниканинг прогрессив усулларини қўлланиб, пахта етиштириш ва ҳосилини янгиштириб олишда химиялаштириш ҳамда кенг механизацияга таяниб, гектар бошига 25, 30, 35 центнер ва бундан ҳам кўпроқ ҳосил олишга эришдилар. Пахта териш техникаси пахта тайёрлаш ишларини муваффақиятли олиб боришда катта роль ўйнади. Бу йил 43

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН
ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН
АССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ.

ШУДГОР ҚИЛИШДА ГАП КЎП

Халқимизда «ер ҳайдасанг куз ҳайда, лари рағбатлантиришди. Ўз вазифасига пай, майдонлари кузда шудгорланмас, баҳорда Оранев, Турғун Исмолов, Раҳим Азиев ўр- куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақл бор. асидан қараган айрим кишилар қатъ тайёргиро эрини аниқлар ва шудгорлашдан

САМИМИИ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотный бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикасининг партия-давлат делегацияси 30 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев ҳузуринда бўлди.

Визитда Чехословакия томонидан делегация аъзолари — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Я. Ленарт, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати Раисининг ўринбосари О. Шимўнек, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати Раисининг ўринбосари, Че-

ЧЕХОСЛ
Л. И. БРЕ

хословакия Социалистик Республикаси давлат план комиссиясининг аъзоси О. Черник, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Словачкия Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Саболык, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри В. Вид, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Чехословакиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси О. Павловскийлар зир бўлдилар.

Визитда совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ў

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР

Ўғит чиқариб олиш керак ❀ Е



КУНИГА 40 КВАРТИРА

Тошкент уйсозлик комбинати ишга туширилган кундан бери беш йил ўтди. Шу даврда комбинатнинг қуввати бир ярим баравар ошди. Бу иш комбинат қурувчилари йил илгор корхона коллективи ишлаб чиқарган маҳсулотдан умумий майдони 150 минг квадрат метр келадиган ишонам замонавий қартираларни янги берадилар. Ўтти йилликнинг охирига бориб комбинатнинг қуввати яна икки баравар ошади ва унинг йиллик маҳсулоти уч юз минг квадрат метрга етади. Бу эса комбинат бинокорлари ирик панеллардан йилга 40 квартира тайёрлаб берадилар, демасди.

Комбинатни қайта қуришнинг белгиланган ланлари қандай амалга оширилмоқда, поток-конвейер ланисини қуришни тезлаштириш учун нмалар қилиш керак? — Бу масала Тошкент шаҳар партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Панеллар тайёрлайдиган поток-конвейер ланисининг янги, янада тежамлироқ ва рационал ланисини маълумланди. Бу ланисини Москвадаги «Гипростройиндустрия» лойиҳалаш институтининг мутахассислари ва комбинатнинг инженерлари ишлаб чиқди. Бу ланисини эски лойиҳада қўзда тутилганидек, ўн бир пролетда эмас, балки икки пролетда жойлаштирилади. Бунинг натижасида 12 минг квадрат метрдан ошмироқ ишлаб чиқариш майдони ва 16 та ўн тоннали кўприк қран бўлиб қолади. Шу билан бирга борча ишларни янада кенроқ механизациялаш учун шароит яратилади, ташиқ девор панелларини тайёрлашда меҳнат унмдорлиги уч баравар оширилади, панелларнинг сифати анча яхшиланади.

Шаҳар партия комитети Тошкент корхоналари группасининг уйсозлик комбинатиди янги поток-конвейер ланисини учун зарур бўлган асосий ускуналарни тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятларини маълумлади. Бу ланисини 1965 йил июнь ойида ишга тушириш қўзда тутилмоқда. Бу эса Ўзбекистон пойтахтида уй-жой қурилишини анча тезлаштирилади. (ЎЗТАГ).

Йилдан-йилга Тошкентимиз кўрнига кўри қўшилмоқда. Одамнинг бахри-дилини очадиган шаҳарга айланиб бормоқда. Бунда шубҳасиз хамшаҳарларимизнинг ҳиссаси катта. Сиз бу суратда энг кенс норхона — Тошкент тепловоз-вагон ремонтни заводи ишчилари уч авлодининг вакиллари кўриб турибсиз. Улар — (чапдан) слесарлар М. Миродилов, А. Гуломов ва Н. Железнов, машинист М. Обидов, мастер У. Камолитдинов, контролер Г. Ивоннинова ва бригадир А. Кидралев ўртоқлар хибон айланиб ҳордиқ чинаришмоқда. Л. Глауберзон фотоси.

Фойда ҳисобига

Андижондаги 101-автобаза етти йиллик бошидан бери пландан ташқари олган фойдаси ҳисобига «ГАЗ-51» марнали ўттиз беш автомашинадан иборат колоннани сотиб олиши мумкин.

Шокир Тошматовнинг келтирган фойдаси ана шундай икки автомашина сотиб олишга етарли бўлди. У бошқарган автомашина ремонт қилинмай, тўрт юз минг километрга яқин йўл босди, кўпгина мой ва резинани тежасани ҳолда пландан ташқари анча юк ташиди.

Бу энг кенс шофер бир машинада ишлаган даврда янги автомобиль ва запас қисмлар комплектини сотиб олишга етарли маблағ тежасани қонда қилиб олиш тўғрисида таклиф киритди. Машина ҳайдовчилардан Борис Караминев, Маннон Гафуров, Хамид Умрақовлар ҳам биттадан автомашина ва запас қисмлар комплектини сотиб олиш учун етарли маблағ тежасидилар. (ЎЗТАГ).

Коллектив қалби

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи тикувчилик фабрикаси 2-цеҳидаги партия группасининг «таржиман ҳоли»ни сўзлашман десангиз, бу группа 1962 йилнинг октябры ойида тузилган эди. Даставвал, ишни нимадан бошласан, деган масала ўртага қўйилди.

Худди ўша пайтда цеҳда янги тўқув дастгоҳлари ўрнатилган эди. Бу станок ишчиларга нотаиниш десак бўлмайди-ю, лекин барибир ҳали янги эди. Шунинг учун улар янги ускуналардан илгарин ўзлари ишлаб юрган дастгоҳларга қараганда яхшироқ фойдалана олмас эдилар.

Кўпинча вақтдан ютқизишар, шунинг оқибатида план бажаришмай қоларди. Бу — ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Коммунистлар худди шу пайтда ўзаро маслаҳатлашиб, партия группасининг очик йигилишини ўтказсак, деган фикрга келишди. Ҳа, очик

йигилиш яхши: аҳволни қандоқ қилиб тузатиш йўллари бунинг коллектив билан бамаслаҳат билиб олиш керак.

Коммунистлар йигилишга тайёргарлик кўришаркан, ҳар бир ишчи билан яхшилаб гаплашиб олишди, уларнинг фикр-ўйларини, мулоҳазаларини ўрганишди. Баъзи бир ишчилар умидсизлик билдириб:

— Тўпганиб ҳам кўрамиз, лекин бундан бирор фойда чиқармкан, ахир, ҳолва деган билан оғиз чучимайдик-ку. Қуруқ гап билан иш юришиб кетаверармиди, — дейишди.

Коммунистлар маслаҳатли иш яхши эканлигини айтишди. Йигилишга тайёргарлигини кучайтириб юборишди. Мастерларнинг ҳам, уларнинг ёрдамчиларининг ҳам фикрларига қўлоқ солишди. Ниҳоят йигилиш бошланди. Коммунистлардан Синеврохов, Зубарев, Тоққая ўртоқлар сўзга чиқиб, жон

куйдириб гапиринди. Уларнинг сўзлари ҳар хил бўлса ҳам мақсадлари битта эди. Ҳамманинг фикри — тезроқ қолоқликдан чиқсак, яхшироқ ишласак, ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ, янги техникани мукаммал билиб олсак иш юришиб кетамиз. Бунинг учун кучларини жой-жойига қўйиш керак деган масалага қаратилган эди. Гурппа партия ташкилотчиси — мастер ёрдамчиси Руслам Абдурахмонов сўзга чиқиб ўзи хизмат кўрсатадиган станокларнинг бирор минут бўлса ҳам сабабсиз тўхтаб қолишга йўл қўймаслиқ ҳақида конкрет мажбурият олди. Шу билан бирга у қисқа вақт ичида ўз участкасидаги ишчиларга тўқувчилик қасбини ўргатаман, деб сўз берди.

— Янги станокларни узоғи билан икки ҳафта ичида яхши ўрганиб оламиз!

Мажлис шундай конкрет ҳулосага келди. Одамлар йигилишдан куч-гайратга тўлиб, қанот пайдо қилиб тарқалишди. Ахир, гал коллективнинг шон-шарафи, ҳар бир кишининг обрўси тўғрисида кетайтган эди-да.

Станоклар белгиланган муддатдан олдин ўзлаштирилди. Иш юришиб кетди. План ҳам муваффақиятли бажарилди. Одамларнинг маошига-маош қўшилди. Энг муҳими, кишилар коммунистларни кўпроқ ҳурмат қиладиган, уларнинг ҳар бир сўзига, маслаҳатига эътибор билан қўлоқ солишга бўлиб қолдилар.

Коллектив манфаатлари учун жон куйдириш, ҳар бир ишчининг қўлгида бор гапларини ўз вақтида пайқаб олиш, коллектив ман-

фаатлари билан яшаш, одамлар тўғрисида гапхўрлик қилиш интизомини ҳам мустаҳкамлайди, меҳнат маданиятини ҳам оширади, ишчиларни тобора яхшироқ меҳнат қилишга илҳомлантиради.

Одамларни катта ишларга отлаштиришда партия группасининг коммунистларнинг роли тоғат каттадир. Бунинг учун, аввало, ишнинг муваффақияти ҳал қилинган ётган жойда турган коммунистнинг ўзи ҳаммага шахсан ибрат кўрсатиши, оммани еталаб бориши, ташаббус кўрсатиши керак.

Иккинчи цеҳдаги кишилар кейинги вақтда тагин ҳам ахирроқ, тагин ҳам инороқ бўлиб қолдилар. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, жон куйдириб меҳнат қилишни ўз бурни деб тушунади. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун жон куйдираётганлиги яққол сезилимоқда. Бунда партия группасининг хизмати жуда катта.

Яқинга қадар ишчилардан бирор киши бир ишчи қаторроқ қилиб қўйса, уни огоҳлантириш уят нарсасига ўхшаб туйиларди. Энди аҳвол бошқача. Коммунистлар айда-чуйда камчиликларини кўришда ҳам бепарво туролмайдилар, улар ишга ҳалал етказадиган ҳар қандай камчиликка зарар берадилар.

Тўқич цеҳида мастер ёрдамчи Иван Степанович Ефимов ишчилар ширакайф бўлиб келди, ишлар бунинг дарҳол пайди. Бундан партия группасини тоғди. Нега бундай бўлди? Улар Ефимовнига бориб, у хотини билан суҳбатлашарди, мастер ёрдамчиси унинг кўпинча ичиб келиши айтди. Лекин, Ефимовнинг хо-и бунинг цеҳдаги ўртоқларга ил-роқ маълум қилишдан уял-и. Ишчилар, коммунистлар Ефимов билан юракдан гаплашибди, ишнинг хатти-ҳаракати қаттиқ қоланди.

— Шон-шухрат кишининг бо-ини айлантириб қўймаслиги ке-

рак, одам ўтмишдаги хизматларини пеш қилиб бугунги кунда беандишалик қилишни ярамайди, — дейишди ишчилар ҳам, коммунистлар ҳам.

Коммунистнинг меҳнат коллективига доғ тушираётганлиги учун Ефимовни ишдан бўшатиб юборайлик, деган одамлар ҳам бўлди.

Лекин коммунистлар одамни ишдан бўшатиб юбориш осонлигини, ҳамма гап, асосий мақсад кишиларни тарбиялашда эканлигини кўпчиликлани тушуинтиришди. Шундай қилиб, кайф-сафони севадиган мастер ёрдамчисининг ҳаёти, юриш-туриши билан ҳамма қизиқиб қолди. Иван Степановични қайта тарбиялаш, уни бу хатарли йўлдан қайтариш осон бўлганини йўл, Лекин коллектив ўз мақсадида эришди. Ефимов аста-секин дўстлари ёнига қайтди.

— Коллектив ўртасида партия группасининг обрў-эътибори нега тобора ўсмоқда, — деб гоҳ ўзимга-ўзим савол бериб кўраман, дейди партия группасининг ташкилотчиси ўртоқ Абдурахмонов. — Агар кишилар сента ишонсин, сента эргашсин, десанг бутун ҳаётининг одамларга бағишла, коммунистлик бурчинини, граждонлик бурчинини виждонан ўта! Бизда ҳар бир коммунист шунинг ҳис қилади.

Барча коммунистлар учун бир хил қонун-қодалар, ягона интизом бор. Ҳар бир коммунист қаерда, ким бўлишдан каттан назар КПСС Устави талабларига тўла риоя қилиши керак. Цех партия группасида ана шу қондага амал қилишди. Цехдаги ҳар бир кишининг иши ойнада кўринганидек кўзга ташланиб туради.

Цех партия группаси унча катта эмас. Унинг составида олти коммунист бор. Лекин улар бутун бир коллективни фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантиришляпти. Коммунистлар коллективнинг авангард, етакчи кучи эканлигини амалда кўрсатишляпти.

П. СЕЛЕЗНЕВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Тошкент инструментал заводининг коллективи ўн бир ойлик ланини муддатидан илгари бажарди. Ҳозирдаёқ 80 минг сумлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқаришни ўстириш учун курашда новаторлар катта роль ўйнамоқда. Ил бошидан бери 112 та рационализаторлик таклифлари тушди, улардан 60 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу — муажаллангандан анча кўпдир.

Тўртинчи цех бошлиғи Р. Шарифов ва техника контроли бўлимининг бошлиғи О. Тошматов заводнинг энг яхши рационализаторларидандир. Уларнинг гайка қалитини тайёрлашдаги технология процессини ўзгартирини тўғрисидаги таклифларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши 6 минг сумдан кўпроқ иқтисодий фойда берди, саккиз ишчининг бошқа участкаларда ишлаш учун озод қилди.

Инструментчилар йиллик ланини ошириб бажаришга қатъий бел боғлаганлар. (ЎЗТАГ).

ХУШҲАБАРЛАР

Андижондаги «Коммунар» заводиди илгичка тоғали пахтаи хас-қўлардан тоғалайдиган машина қисмларини йиғиштиришга киришди. Янги машиналардан Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг илгичка тоғали пахта йиғиштириладиган зоналаридаги корхоналарда фойдаланилади.

Самарқанд районидаги «Победа» уруғчилик колхозида гибрид маккажўҳорининг сўнги ҳосили тайёрланиб бўлди. Барча бригадалар ва эвенолар доннинг ана шу қимматли мавнини етиштириш юзасидан берилган топшириқларни анча ошириб бажардилар. Зафаршон этакларида жойлашган Обид Зоҳидов бошлиқ эвенонинг участкаси энг кўп ҳосил берди. У ерда 20 гектар майдонининг ҳар гектаридан саксон центнердан кўпроқ дон олинди.

Хива районидидаги «Ленински» колхозининг хизмат кўрсатаман корвадори Зийда Қурёнова ўзла биркипти берилган ўн олти сизир-дон икки цистерна сўт сотиб олди. Ҳар сизирдон ўрта ҳисобда 2.516 килограмм сўт олинди.

ДЕКАБРЬ 1 "ОЗ ОЛТИН" ХИРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА: Қашқадарь областида бир кунда 0.01, мавсум бошидан буён 119.64 процент пахта тайёрланди; Тошкент областида 0.11 — 114.73; Фарғона областида 0.03 — 109.80; Андижон областида 0.04 — 108.21; Хоразм областида 0.09 — 102.81; Сирдарё областида 0.13 — 101.83; Сурхондарь областида 0.05 — 101.32; Қорақалпоғистон АССРда 0.17 — 101.16; Бухоро областида 0.04 — 100.67; Самарқанд областида бир кунда 0.36, мавсум бошидан буён 97.18 процент пахта тайёрланди.

ЎРТА ОСНЕ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА: Чимкент области йиллик ланини 114.97 процент; Қирғизистон ССР — 108.76; Ўзбекистон ССР — 105.70; Тожикистон ССР — 98.30; Туркменистон ССР — 98.29 процент бажарди.

